● ЁШ ОФИЦЕРЛАР — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ

# Техникага меҳр қўйган йигит

Катта лейтенант Азимжон Қурбоновни техника шайдолари қаторига қўшганимиз сабаби, у ҳарбий қисм автомобиль хизмати бошлиғи сифатида қўл остидагилар хизматини ташкил қилишда ютуқларга эришмоқда.

Қисм жанговар шайлигининг замон талаблари даражасида бўлиши автомобиль хизматига ҳам бевосита боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, ҳарбий қисмнинг кундалик фаолиятига техник таъминот катта таъсир кўрсатади. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига қарашли ушбу қисмнинг ҳам жанговар ўқувдаги қўлга киритган барча муваффақиятларида Азимжоннинг ҳиссаси салмоқли десак, муболаға бўлмайди.



— Катта лейтенант Қурбонов ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш, қўйилган вазифаларни аниқ ва тез бажариш, қўл остидагилар хизматининг хавфсиз бўлишига эътибори борасида хизматдошларига ўрнак кўрсатиб келмоқда, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Наимжон Мардиев. — Ёш офицер ўзига юклатилган вазифаларни яхши бажараётгани боис қисмимизда обрў-эътибори баланд.

Баҳорда бўлиб ўтган Жанубий-ғарбий алоҳида ҳарбий округ ёш офицерлар йиғинига хизматдошлари Азимжонни бир овоздан сайлашди. Биринчи бор ўтказилган бундай тарбиявий тадбирдан катта лейтенант А. Қурбонов катта таассурот билан қайтди. Йиғинда кўрилган масалалар тўғрисида қисм ёш офицерлари билан ўртоқлашган пайтларида Мудофаа вазирлиги, округ қўмондонлиги улардан умидлари катта эканлигини таъкидлаб, ҳарбий қисмлардан келган илғор офицерларга кўрсатилган юксак эҳтиром ҳақида фахр ила гапирди.

Ўша йиғиндан олган завқини офицер кундалик хизмат фаолиятидаги янги ютуқларга айлантиришга ҳаракат қилди. Ҳарбий қисмдаги мавжуд транспорт узлуксиз ишлашига, йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётганлардан шартнома асосида хизмат сержанти Латиф Турдиевни, ҳайдовчилардан — оддий аскар Ҳамид Шарипов, Қуролли Кучлар хизматчиси Мақсуд Эшноевларни санаб ўтсак арзийди. Чунки улар бириктилган автомобилларни бошқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, ёқилғини тежаш каби ишларда ўрнак кўрсатиб келишмоқда.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртини 1998 йилда тугатгандан сўнг, ёш офицер хизматини Термиз гарнизонида бошлади. Бир оз тажриба орттиргач, қўшни Қарши гарнизонига жўнатилди. Бугун, яъни 1 августда катта лейтенант Азимжон Қурбонов ўзининг 25 ёшга тўлганлигини нишонлайди. Ёш офицернинг олдида ҳали кўпгина ютуқлар борлигига ишончимиз комил. Фақат ҳозиргидек талабчанлигини, ишга чанқоқлигини йўқотмаса бўлгани.

**Майор А. КАМОЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# Проявляя усердие в службе

...Полным ходом идет боевая учеба. Четко выполняются одна операция за другой. Действия связистов отличаются слаженностью, взаимопониманием, аккуратностью. Во всем чувствуются глубокие знания техники и средств связи и прочные навыки в их применении. Проявляя предельную собранность, воины успешно выдержали напряжение боевой обстановки. При подведении итогов командир в числе лучших назвал и фамилию механика радиостанции рядового Эркина Эшбаева.

Недавно начал службу рядовой Э. Эшбаев, но уже зарекомендовал себя опытным специалистом, добросовестным солдатом, честно выполняющим свой конституционный долг. За успехи в службе он не раз поощрялся командиром.

Родился и вырос Эркин в Кушрабадском районе Самаркандской области. Но в армию призывался из города Ташкента, где учился в колледже связи. Успешно закончил его, получив специальность техника-механика по связи. Так что в армию он прибыл готовым специалистом и его сразу же назначили механиком радиостанции.

— Рядовой Эшбаев с первых дней службы показал высокую техническую подготовку,— рассказывает его непосредственный начальник — начальник аппаратной младший сержант по контракту Улугбек Мирзаяров.— Чувствуется, что время в колледже он зря не терял. Поэтому сейчас ему все легко дается. Он четко выполняет поставленные перед ним задачи, проявляя высокую бдительность. Каждое боевое дежурство несет на отлично.

Полная безотказность средств связи может быть гарантирована лишь при условии тщательного и своевременного ухода за ними. И это хорошо понимает рядовой Э. Эшбаев. Заступая на дежурство, Эркин прежде всего проводит определенные инструкцией регламентные работы, отлаживая и готовя аппаратуру к работе. Ведь должность у него — механик. Когда он на смене — бесперебойная связь гарантирована.

Являясь подлинным мастером, асом своего дела, Эркин Эшбаев постоянно расширяет свой научно-технический кругозор, борется за повышение квалификации. В свободное время занимается самообразованием, читает специальную литературу, повторяет, чтобы не забыть, основы физики, математики, электроники. Ведь его мечта — после службы в армии поступить в Ташкентский университет информационных технологий.

— Правда, я еще не решил,— признается Эркин,— куда пойти — на Спецфакультет или приобрести специальность гражданского инженера. Но время для раздумий есть, так что спешить не будем.

Активно участвует рядовой Э. Эшбаев и в общественной жизни подразделения. Вместе с друзьями — рядовыми А. Ахмедовым и Ю. Собиржоновым он помогает командиру в организации и проведении различных мероприятий, особенно спортивных.

Радостные письма шлет домой рядовой Э. Эшбаев. Родители, братья довольны, что служба у него идет хорошо. И постоянно поддерживают его благородные стремления, призывают «Так держать!», с тем чтобы добиваться новых успехов в боевой учебе и общественно-политической подготовке. И он старается, проявляя во всех делах усердие, точность и аккуратность.

**Б. САИДОВ.**

# Кичик командирлар нима дейди?

**Ҳозирги пайтда Қуролли Кучларимизда ёзги мавсум ўқув машғулотлари авжида. Уларни юқори савияда ўтказиш нафақат офицерлар, балки кичик командирлар зиммасига ҳам маълум вазифаларни юклайди.**

**Биз шу масъулиятли вазифаларни қандай бажараётганликлари хусусида бир неча кичик командирларга саволлар билан мурожаат қилдик.**

**— Машғулот ўтказишда аввало нималарга эътиборни қаратиш лозим, деб биласиз?**

**Катта сержант Умид АЛИМОВ:**— Умумҳарбий Низом қоидаларига тўла амал қилган ҳолда ўтказилган машғулотларда аскарлар етарли билим олишлари мумкин.

**Кичик сержант Ғулом СУЛТОНОВ:**— Қаттиқ тартиб-интизомга. Шуни амалга оширсангиз, машғулотлар яхши даражада ўтади.

**Сержант Гулжаҳон ТЎРАЕВА:**— Машғулотда аскарлар руҳини кўтариб, юқори натижаларга эришишга чорлайман.

**Кичик сержант Алишер ИКРОМОВ:**— Жангчиларнинг зеҳни, билим олиш салоҳиятини аниқлаб олиб, машғулотлар пайтида алоҳида эътибор бераман.

**— Агар машғулот пайтида ёки бошқа вақтда оғир вазиятга тушиб қолсангиз, уни қандай бартараф этасиз?**

**Кичик сержант Анвар НОРМАТОВ:**— Офицерлар ва жанговар дўстларим ёрдамида.

**Катта сержант Бахтиёр ОЧИЛОВ:**— Ҳали бундай вазиятга тушганим йўқ. Шунинг учун бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрмабман. Лекин саволингизга жавоб берсам, ўрганганларим, ўқиганларимга асосланиб, уни бартараф этаман. Ўзимга ишонаман.

**Кичик сержант Абдухалил ИСАЕВ:**— Халқимизда «Маслаҳатли тўй тарқамас», деган нақл бор. Агар офицерларимиз бу пайтда йўқ бўлса, дарҳол сержантлар ва аскарларни йиғиб, маслаҳат қиламан.

**— Бу мавсум машғулотларида қандай натижаларга эришаяпсиз?**

**Сержант Толибжон ИБРОҲИМОВ:**— Гуруҳимиз аскарлари тиришқоқ. Берилган топшириқни зудлик билан бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, оддий аскарлар — А. Шодиев, А. Ўтбосаров, В. Суяровларни фахр билан тилга олишни истайман.

**Кичик сержант Ғанижон МИРСАИДОВ:**— Ижтимоий-сиёсий ва жанговар машғулотлар қизғин билан олиб борилмоқда. Офицерларимизнинг ёрдамлари, хатоларимизни тузатиб, ўз вақтида тўғри йўл кўрсатишлари бизнинг яхши натижаларга эришишимизга сабаб бўлмоқда.

**Сержант Акром МЎМИНОВ:**— Яқинда назарий ўқув машғулотлари тугаб, тоғ шароитидаги машғулотларга чиқамиз. Шунда олган билимимизни кўрсатиш имконияти тўлиқ бўлади.

Умуман олганда, ҳозир ёзги мавсум ўқув машғулотлари қизғин давом этаётган бир паллада бизнинг қўлимиз қўлимизга тегаяпти, деб бўлмайди. Қизғин жанговар фаолият бизни бир он бўлсин тарк этган эмас ва этмайди ҳам. Чунки бугун биз эртанги ғалабалар учун замин яратяпмиз. Бу замин пухта назарий билим ва самарали амалий машғулотлардир.

Кундалик жанговар фаолиятимизда қўлга киритаётган ҳар бир ютуғимиз Мустақиллигимизнинг 11 йиллик тўйига бизнинг ҳарбийча туҳфамиздир.

**«Ватанпарвар» мухбири**
**кичик лейтенант**
**Ҳ. МИРЗАЕВ**
**суҳбатлашди.**

◆

**Катта лейтенант Ҳасан Назаров разведкачилар гуруҳи командири. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугатган бу ёш офицер ўзи эгаллаган билим ва тажрибани қўл остидаги посбонларга ўргатиб келмоқда.**

Суратда: **катта лейтенант Ҳ. Назаров кичик сержантлар Озод Илдиров ва Мансур Ёрқуловларга навбатдаги машғулот юзасидан кўрсатма бермоқда.**

**К. ТЎРАЕВ**
олган сурат.

◆



# Аскарни кутмоқда, ютуқлар

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

якунлагани, сафдошларига ўрнак бўлгани учун командирлари қадрдон Фарғонага бориб келиши учун 10 кунлик таътил ҳам беришди, унга.

— Жамшид Матмусаев энг интизомли, касбий маҳорати юксак, ўз мажбуриятларини намунали тарзда ижро эта оладиган аълочи аскарларимиздан,— дейди телефон-телеграф маркази командири катта лейтенант Ваҳобжон Рустамов биз билан суҳбатда.— У нафақат назарий ва амалий машғулотларда, балки қоровуллик хизматида ҳам фаол қатнашмоқда. Соқчи сифатида етарли тажриба тўплагани учун кейинги пайтларда у назорат-ўтиш пункти навбатчиси ўринбосари сифатида нарядга тушмоқда. Бундан бир неча ой аввал соат тунги бир яримларда назорат-ўтиш пунктига келишган шубҳали шахслар ҳақида қисм навбатчисига тезда хабар қилган, уларнинг қўлга олинишига ёрдам берган ҳам худди шу йигитимиз-да!

Ҳа, оддий аскар Жамшид Матмусаев етарли хизмат тажрибасига эга. Ҳақли равишда у командирлари, сафдош дўстларининг ҳурматини, ишончини қозонган. Шундай экан, биз аълочи аскарнинг навбатдаги юксак довонларни ҳам ортда қолдириб, энг қувонарли натижаларга эришишига, аскарлик хизматини муваффақият билан якунлашига ишонамиз. Зеро, у ҳақиқий қуролли ҳимоячиларга хос тажриба, маҳорат ва имкониятларга эгадир.

**Капитан А. УСМОНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

